

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
“МОЛИЯ, БАНК ВА СОЛИҚ ХУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

“ВАЛЮТА ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚОНУНЧИЛИК
МАСАЛАЛАРИ” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: Тадбиркорлик-ҳуқуқий
фаолият йўналиши 4 курс талабаси
Наимов С. А.

ИЛМИЙ РАХБАР: “Молия, банк ва
солиқ ҳуқуқи” кафедраси
ўқитувчиси Ходжаева А.

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ВА ЛЮТА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ЎРНИ	8
1.1. Валюта тўғрисидаги қонунчиликнинг назарий-ҳуқуқий асослари.....	8
1.2. Ўзбекистон Республикасининг валюта қонунчилиги тизими ва унинг умумий тавсифи.....	17
1.3. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари.....	31
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
2.1. Ўзбекистон Республикасида валюта назоратини амалга оширилишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	36
2.2. Валюта тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик масалалари ва жавобгарлик турлари.....	46
2.3. Валюта қонунчилигини такомиллаштиришда хориж тажрибаси.....	56
ХУЛОСА	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	68

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Маълумки, валютага оид ҳуқуқий муносабатларини такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз кетганда, албатта, валюта тизимини эркинлаштириш чора-тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш жараёнлари назарда тутилади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашилганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда валюта муносабатлари тизими ва унинг амал қилиш механизмлари сезиларли даражада эркинлаштирилди ҳамда эркинлаштирилмоқда.

Жумладан, миллий ва халқаро валюта операциялар бўйича эркин конвертациянинг таъминланганлиги, биржа ва биржадан ташқари валюта бозорининг такомиллаштирилганлиги, нақд хорижий валюта билан савдо қилиш тартибларининг соддалаштирилганлиги, улар кўламларининг кенгайтирилганлиги, валюта курсларининг унификацияланганлиги, валюта тушумлари мажбурий сотувининг такомиллаштирилганлиги, валютавий чекловларнинг бекор қилинганлиги шулар жумласидандир.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ўсиши, мамлакат ҳудудида баҳоларнинг барқарорлигини таъминлаш ва қолаверса кўпгина макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бевосита миллий валюта курсининг барқарорлигига боғлиқлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикасида ривожланган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш соҳасида қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан миллий валютаамиз - сўмнинг барқарорлигини изчил таъминлаш ва унинг кадр-қимматини ошириб бориш даражасига боғлиқ.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов миллий валютаамизнинг барқарорлиги хусусида: “Бугунги энг муҳим вазифа - валютаамизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга

эгабўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш - умуммиллий вазифа”¹, - деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини ва миллий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш, республикага чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда унинг халқаро иқтисодий ва валюта-кредит муносабатларда тенг мавқеини таъминлаш каби долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш ҳам миллий валютанинг барқарор муомалада бўлишига боғлиқдир. Молия ва валюта тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш орқали давлатнинг мослашувчан валютасиёсатини шакллантириш, нархларнинг барқарорлигига эришиш, валюта бозорини эркинлаштириш ҳамда шу орқали тегишли чет эл валюта захираларини вужудга келтириш каби ҳаётий муҳим вазифаларнинг ечимини топиш вазифаси ҳам валюта тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва валютанинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида талаблар қўяди.

Шуни таъкидлаш керакки, Марказий банкнинг валюта сиёсатидан кўзланган асосий мақсад ҳам миллий ва хорижий валютанинг мамлакат ҳудудидаги ҳаракатини тартибга солиш ҳамда валюта тизимини барқарорлаштириш ҳисобланади. Марказий банкнинг асосий мақсади бўлиб - валюта курсини барқарор ҳолатда сақлаш ва шу орқали мамлакат ҳудудида баҳолар барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Президенти И.А.Каримовнинг валюта бозорини эркинлаштириш ва мамлакатда амал қиладиган валюта сиёсатини такомиллаштириш нуқтаи назаридан айтган қуйидаги фикрлари жуда ҳам ўринлидир: “ Биз учун бош йўналиш-биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг валюта ресурсларини кўпайтириш

¹ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов.- Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2005 й.

ҳисобидан улар ҳеч қандай лицензия ва квоталарсиз хоҳлаган вақтда ўз миқдорларига валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатишни таъминлашдан иборат”¹.

Мамлакатда валюта муносабатларини ривожлантириш, тижорат банклари ва бошқа молия муассасаларини халқаро молия бозорларидаги иштироклари учун шароитларни яратиш, миллий валюта бозорини барқарорлаштириш таъминлаш, мустақил ва ёш мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасида халқаро инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш мамлакатда ўзининг миллий ички валюта бозорини ва валюта операцияларини шакллантиришни, шунингдек валюта тўғрисидаги қонунчилик базасини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу сабабдан валюта бозори ва мазкур бозорда мавжуд валюта операцияларини ҳамда уларни амалга оширилиши билан боғлиқ назарий масалаларни ўрганиш ҳозирги кунда ниҳоятда долзарб масалалардан бўлиб қолди.

Марказий банкнинг валюта операциялари, валюта бозорлари ва ундаги мавжуд валюта операцияларининг мазмуни, турлари ва ривожланиш хусусиятларини ўрганган хорижлик олимларга Л.Н.Красавина², И.В.Пещанская³, Д. Пискулов⁴, Е.Д.Платонова, Ю.Б.Рубин, Е.И.Павлов Д.Валовая, А.С.Владимирская ва бошқаларнинг ишларини келтириш мумкин.

Иккинчи гуруҳ - Ўзбекистонлик олимлар бўлиб, улардан Вахобов А.В, Бержанов С.А, Расулов Т.С, Бобоқулов Т.И, Жумаев Н.Х, Тожиев Р.Р, Хақимов И.С, Бурхонов У.А, Ш.З. Абдуллаева ва бошқа олимларнинг ишларини эътироф этиш мумкин.

¹Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция молиявий барқарорлик» - Т.: Ўзбекистан, 2005 йил 422-бет

²Л.Н.Красавина. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. –М.: Финансы и статистика, 2003. -608 с.

³Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого ПЗЗ банка: Учеб. пособие.-М.: ИНФРА-М, 2001. - 320 с.

⁴Ю. Д. Пискулов Теория и практика валютного дилинга. –М.: ИНФРА-М, 1995. -123 с.

Битирув малакавий иши мавзусининг мақсади валюта тўғрисидаги қонунчилик ва унда мавжуд бўлган муаммоли ҳолатларни таҳлил этиш, валюта операцияларини, миллий ва хорижий валюта муомаласини тартибга солиш ҳамда валюта тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришда хорижий давлатлар ва халқаро валюта қонунчилигида мавжуд бўлган айрим ҳуқуқий нормаларни валюта қонунчилигимизга тадбиқ этиш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий иши мавзусининг вазифаси. Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- миллий қонунчилик ва иқтисодиётни эркинлаштиришда валюта қонунчилигини ва операцияларини ривожланишини ўрганиш ва умумлаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илмий ва ҳуқуқий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

- Марказий банк ва валютавий-ҳуқуқий муносабатларни назорат қилувчи ва тартибга солувчи бошқа давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг валюта сиёсатининг ҳуқуқий асослари тадқиқ қилиш;

- хорижий валютани олиш ва сотиш, бу борадаги мавжуд ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши мавзусининг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси валюта тўғрисидаги қонунчилиги ва унинг амалиётда қандай тартибда қўлланиши ва давлатимизда амалга ошириладиган валюта сиёсати ҳисобланади.

Битирув малакавий иши мавзусининг предмети бўлиб, валюта тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Битирув малакавий иши мавзусининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги маълумотлар, берилган илмий хулоса ва таклифлардан валюта тўғрисидаги қонунчиликни тартибга солиш ва бу соҳада мавжуд

муаммоларни ҳал этишда, валюта - ҳуқуқий муносабатлари субъектлари фаолиятини ривожлантиришда фойдаланиши мумкин.

Битирув малакавий иши мавзусининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ.МОЛИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ВАЛЮТА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ЎРНИ

1.1. Валюта тўғрисидаги қонунчиликнинг назарий-ҳуқуқий асослари

“Валюта деганда,бир томондан, мамлакат пул бирлиги, иккинчи томондан, чет давлатлар пул белгилари, шунингдек, чет эл пул birlikлари (чет эл валютаси)да ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобларда қўлланадиган кредит ва тўлов ҳужжатлари тушунилади”¹.

Валюта қонунчилиги - бу мамлакат ичкарисида валюта қийматликлари билан, бир мамлакат ташкилотлари ва фуқаролари ҳамда бошқа мамлакат ташкилотлари ва фуқаролари ўртасидаги шартномаларни, ҳамда мамлакат ичкарисидан хорижга ва хориждан мамлакат ичкарисига миллий ва хорижий валюталар ҳамда бошқа валюта қийматликларини олиб кириш, олиб чиқиш, ўтказиш йўли билан амалга оширилишини тартибга солувчи қонуний меъёрлар йиғиндисидир.

Валюта тизими - бу миллий қонунчилик ёки давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган валюта муносабатларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг шаклидир.

Валюта тизими- бу ҳўжалик алоқаларининг байналминаллашуви асосида тарихан шаклланган, валюта амали билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Валюта тизимини валюта, валюта муносабатлари, валюта муносабатларини амалга оширувчи ва уларни тартибга солувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи органлар йиғиндиси сифатида ҳам кўз олдига келтириш мумкин.

“Ўзбекистон Республикасининг пул тизими Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигини, пул муомаласи ташкил этилишини ва уни

¹ Финансово-кредитный словарь. – М., 1984. Т.1. – С.177.; Коммерческий словарь. – М., 1991. – С. 51.

тартибга солишни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат”¹.

Валюта тизимининг моҳияти, ташкил этилиш шакллари ва роли жамият иқтисодий тузуми билан белгиланади.

“Валюта тизими 3га бўлинади, яъни **миллий, жаҳон** ва **ҳудудий** валюта тизимлари.

Миллий валюта тизими - мамлакат пул тизимининг таркибий қисми бўлиб, валюта муносабатларининг йиғиндиси сифатида майдонга чиқмайди, балки ушбу муносабатларнинг фақат қонунчилик актлари билан ташкил этилиш тартибини белгилайди. Валюта муносабатларини ташкил этишнинг бундай тартиби биринчи навбатда валюта тизими элементларини белгилашни ўз ичига олади.

Миллий валюта тизимининг қонунчилик асосида белгиланадиган элементларига қуйидагилар киради:

- 1) миллий валюта ва унинг номи;
- 2) миллий валюта паритетини белгилаш;
- 3) миллий валютанинг конвертация шартлари;
- 4) миллий валюта курсининг режими;
- 5) халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланишни чегаралаш;
- 6) халқаро захира активлари таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатни аниқлаш;
- 7) мамлакат халқаро ҳисоб-китобларини чегаралаш (регламентация);
- 8) миллий валюта ва олтин бозорлари фаолияти режими;
- 9) валюта чекланишларининг ўрнатилиш тартиби;

¹Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Ўзбекистон республикасининг Марказий банки тўғрисида”(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда; 1998 й., 9-сон, 181-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2006 й., 37-38-сон, 373-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2009 й., 15-сон, 176-модда, 37-сон, 403-модда, 39-сон, 423-модда, 52-сон, 553-модда; 2012 й., 15-сон, 163-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)

10) валюта муносабатларига хизмат кўрсатувчи ва уларни мувофиқлаштирувчи миллий органлар мақоми”¹.

Маълумки ҳар бир давлат ўзининг пул тизимига эга бўлади. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ажралиб чиқиши унинг мустақил пул тизимига эга бўлишини тақозо қилди. Мустақил пул тизимининг жорий қилинишининг 1 - босқичи 1993 - йилдан бошлаб “сўм - купон”ларнинг муомалага чиқарилиши ҳисобланади. Ўзбекистон пул тизimini қуришнинг 2 - босқичи 1994 - йил июлдан бошлаб миллий валюта - “сўм”нинг муомалага чиқарилиши бўлиб, у Ўзбекистон тарихида жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

“Миллий валюта - миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир”².

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларида валюта тизimini шакллантириш лойиҳаси тузилди. Юқорида таъкидланганидек, муомалага купон талонлар чиқарилди ва кейинчалик Ўзбекистон ўзининг миллий валютасини муомалага чиқарди. Ўзбекистон миллий валюта тизимининг асосий элементи бўлмиш сўм жамият манфаатларига хизмат қилади. Шунинг учун пул тизимининг асосий вазифаси миллий пулимизни кадрини мустаҳкамлашдан иборат. Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка эришиш учун ўз иқтисодётини бозор талабларигамос равишда ривожлантиришга қаратиши бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги миллий валютанинг барқарорлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий пировард мақсади мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топишидан иборатдир. Ушбу жараёнда муомаладаги валюта ҳаракатини тартибга солишнинг самарали

¹О.Ю.Рашидов, Р.Р.Тожиев, У.Ш.Дўскобилов. "Марказий банкнинг монетар сиёсати". Тошкент, ТДИУ нашриёти, 2010 йил, 78-79 б.

²И. Каримов - “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” Т. : “Ўзбекистон” 1995. 217 - бет

тизимини вужудга келтириш, валюта муомаласи ва кредит соҳасини янада такомиллаштириш ва барқарорлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Миллий валютамиз - сўмнинг қадрини оширишда ҳал қилиш лозим бўлган вазифалар Президентимиз И.А.Каримов томонидан кўрсатиб берилган бўлиб, уларнинг бажарилиши нафақат сўмнинг қадрини оширади балки Республикада амалга оширилаётган бутун иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини белгилаб берами. Миллий валютанинг барқарор муомалада бўлишини таъминлашда етарлича барқарор валюта захираларига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Бунга мамлакатнинг экспорт имкониятини кенгайтириш ва унинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш билан эришиб борилади. Сўмни қадрлаш ва инфляцияга қарши бакувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказиш - миллий валютани мустаҳкамлашдаги энг муҳим вазифалардир.

Давлат валюта муносабатларининг ҳар хил турларини тартибга солиш экан, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва валюта ресурсларини энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга йўналтириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади. Валютани тартибга солиш давлат валюта сиёсатини амалга ошириш, яъни у томонидан молия-валюта ва кредит муносабатларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуининг ҳукуқий шаклидир. Мамлакатимиз валюта сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг бир қисми сифатида намоён бўлиб, ташқи иқтисодий алоқаларни ва валюта бойликлари билан амалга ошириладиган операцияларни тартибга солиш йўли билан бозор муносабатларининг таркиб топиши ва янада ривожланиши учун ёрдам беришга қаратилган.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистон валюта сиёсатининг асосий мақсади миллий валютани мустаҳкамлаш, экспортни кенгайтириш ва импортни қисқартиришни рағбатлантириш ҳамда чет эл капиталини жалб этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “**Валютани тартибга солиш тўғрисида**”ги қонунига асосан валюта ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари:

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари- қонунда белгиланган резидентлар жумласига кирмайдиган шахслар тушунилади. Муайян давлат ҳудудида яшаётган ва фаолият кўрсатаётган, лекин шу давлатнинг фуқароси бўлмаган юридик ва жисмоний шахслардир. Масалан, элчихоналар, ваколатхоналар, чет эл фирма ва компанияларининг филиаллари ва шу кабилар.

“Чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф куйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

Чет эл валютаси муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир.

Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир”¹.

Ҳар бир суверен давлат ўз пул бирлигига эга бўлиб, фақат шу мамлакатдагина бу пул бирлигига муайян неъматларни сотиб олиш мумкин. Бошқа мамлакатларнинг ҳам ўз пул birlikлари мавжуд ва фақат шу давлатларда улар қонуний ҳаракатда бўлади. Қолган барча бошқа валюта деб номланувчи пуллар махсус назорат остида амал қиладилар.

Рус олими В.С. Сафоновнинг таърифига кўра, “currency” атамаси банкноталар ва тангалар кўринишидаги пуллар маъносини англатади². Хорижий валюта учун “foreign currency” атамаси ишлатилади. Жаҳон валюта бозори - бу “foreign currency exchange market” дир, ёки оддий қилиб айтганда, ФОРЕХ.

“Валюталарнинг турли классификацияси мавжуд бўлиб, асосан уларни уч гуруҳга ажратишади.

Асосий валюталар (major currencies)

Булар жаҳон валюта бозорининг барча сегментларида ҳеч қандай чекловларсиз амал қиладиган валюталардир. Улар чекланмаган миқдорда ва турли жорий ва муддатли битимлар бўйича тўлиқ конвертирлана оладилар. Бундай турдаги валюталар ичида катта бешликни ажратиб кўрсатиш лозим. Уларга АҚШ доллари, Евро, Швейцария франки, Япония иенаси ва Англия фунти киради. Асосий валюталарга шунингдек, Канада доллари ва бошқа бир нечта валюталар (масалан, Австралия доллари) ҳам киритилади.

Иккиламчи валюталар (minor currencies)

¹Ўзбекистон Республикаси қонуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда;

² В.С.Сафонов. “Валютний дилинг”, изд. АО “Консалтбанкир”, М.: 2004 г. б-31

Бундай турдаги валюталар одатда эркин муомалада бўлади, бироқ вақти-вақти билан баъзи муаммолар юзага келиши мумкин. Масалан, буларга ликвидликнинг етарли даражада эмаслиги (яъни, харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ қийинчиликлар), ҳосилавий молиявий инструментларнинг (хусусан, фючерсларнинг) қўлланилиши билан боғлиқ бошқа тўсиқларни киритиш мумкин.

Валюталарнинг мазкур сирасига Ирландия, Сингапур, Греция, Швеция, Дания, Оман, Қувайт, Ҳиндистон каби давлатлар валюталари киритилади.

Экзотик валюталар (exotic currencies)

Бу валюталар бўйича доимо котировкалар мавжуд, бироқ баъзида операциялар миқёси, муддатли битимлар бозори бўйича (агар у умуман мавжуд бўлса) катта чекловларнинг бўлиши эҳтимоли бор; шунингдек, муайян давлатлар томонидан уларнинг кенг савдосига қарши қонуний чекловлар ҳам ўрнатилади. Мазкур гуруҳга Индонезия, Таиланд, Гонконг, Малайзия, Ветнам, Филлипин каби мамлакатлар валюталарини киритиш мумкин”¹.

Валюта бозорининг асосий иштирокчиларига қуйидагилар киритилади:

Тижорат банклари. Улар валюта операцияларининг асосий қисмини амалга оширадилар. Тижорат банкларида бозорнинг бошқа иштирокчилари ўз ҳисоб варақларини очадилар ва улар билан биргаликда зарур конверсион ва депозит-кредит операцияларини амалга оширадилар. Банклар мижозлар билан операцияларни амалга оширган ҳолда бозорнинг валюта конверсияларига, маблағларни жалб қилиш, жойлаштиришга бўлган талабини мувофиқлаштирадилар, бошқа банклар билан ўзаро муносабатларга киришадилар. Мижозларнинг талабларини бажаришдан ташқари тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобига мустақил тарзда ҳам операцияларни амалга оширадилар.

¹R.R.Tojiev, U.Sh.Do'sqobilov "Valyuta dilingi nazariyasi va amaliyoti". O'quv qo'llanma, T.: TDIU nashriyoti-2010 y., 10-11 b.

Қисқача айтганда, валюта бозори бу банклараро битимлар бозоридир, шундай экан, валюта курслари ҳаракати ва фоиз ставкалари ҳақида сўз юритганда банклараро валюта бозорини назарда тутиш керак.

Жаҳон валюта бозорларида кунлик операциялари ҳажми миллиардлаб долларлар билан ҳисобланадиган йирик халқаро банклар ўзининг катта таъсирига эга. Бундай банкларга АБН АМРО Банк, Кредит Суиссе Фирст Бостон, Деутсче Банк, Барклайс Банк, Унион Банк оф Свитцерланд, Ситибанк, Часе Манҳаттан Банк, Стандарт Чартеред Банк ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи фирмалар. Халқаро савдода иштирок этувчи компаниялар хорижий валютага нисбатан қатъий талаб (импортёрлар сифатида) ва таклифни (экспортёрлар сифатида) шакллантирадилар, шунингдек, мавжуд валюта захираларини қисқа муддатли депозитларга жалб қиладилар ва жойлаштирадилар. Бунда одатда, мазкур ташкилотлар бевосита валюта бозорига кириш имкониятига эга эмаслар, шу сабабли улар тижорат банклари орқали конверсион ва депозит операцияларини амалга оширадилар.

Хорижий капитал (активлар) қуйилмаларини амалга оширувчи компаниялар (Инвестмент Фундс, Монеи Маркет Фундс, Интернационал Корпоратионс). Турли халқаро инвестицион фондлар томонидан тақдим қилинган мазкур компаниялар активлар портфелининг диверсификацияланган бошқарилиши сиёсатини амалга оширадилар ва турли мамлакатлар ҳукуматлари ва корпорацияларининг қимматли қоғозларига ўз маблағларини жойлаштирадилар. Дилерлар тилида уларни оддий қилиб фондлар ёки фондс деб юритишади; Джордж Сороснинг муваффақиятли валюта чайқовчиликларини амалга оширадиган “Қуантум” фонди ана шундай фондлар сирасига киради.

Мазкур гуруҳга шунингдек, халқаро ишлаб чиқариш сармоялари: филиаллар, қўшма корхоналар тузишни амалга оширувчи йирик халқаро

корпорациялар ҳам киради, масалан, Ксерокс, Нестле, Дженерал Моторс, Бритиш Петролеум ва б.

Марказий банклар. Уларнинг вазифаларига валюта захираларини бошқариш, алмашув курси даражасига таъсир қилувчи валюта интервенцияларини ўтказиш, миллий валютадаги омонатлар фоиз ставкаси даражасини тартибга солиш кабилар киради.

Жаҳон валюта бозорларига кенг миқёсда таъсир кўрсата олувчи марказий банклардан бири бу АҚШ Марказий банки – Федерал Заҳира Тизими (ФЕД)дир. Ундан кейинги ўринда Германия Марказий банки – Бундесбанк (Деутсче Бундесбанк) ва Буюк Британия Марказий банки – Англия Банки (Банк оф Энгланд, шунингдек, Олд Ладй деб ҳам юритилади) туради.

Хусусий шахслар. Жисмоний шахслар халқаро туризм, иш ҳақи, пенсиялар, гонорарлар, пул ўтказмаларини амалга ошириш, нақд валютани сотиш ва сотиб олиш соҳасида кенг миқёсдаги носавдо операцияларини олиб бордилар.

Валюта биржалари. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврини кечираётган мамлакатларда валюта биржалари амал қилади. Уларнинг асосий функцияларига юридик шахслар учун валюта олди-сотдисини амалга ошириш ва валютанинг бозор курсини шакллантириш вазифалари киради. Одатда давлат биржа бозорининг ихчамлилигидан фойдаланиб, алмашув курсининг даражасини фаол равишда тартибга солиб туради.

Валюта брокерлик фирмалари. Уларнинг вазифаларига хорижий валютанинг сотувчиси ва харидорини учраштириш ва улар ўртасидаги конверсион ёки ссуда-депозит операцияларини амалга ошириш киради. Воситачилик учун брокерлик фирмалари битим суммасига нисбатан муайян фоиз кўринишидаги брокерлик комисион тўловини оладилар.

Халқаро валюта бозорларида таниқли брокерлик фирмалари ичида Лассер Маршалл, Биербаум, Ҳарлов Бутлер, Туллет анд Токё, Коуттс, Традицион ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Россия бозорида қуйидаги брокерлик компаниялари конверсион ва депозит операциялари бўйича брокерлик хизматларини тақдим қиладилар: Интермоней Финансиал Продуктс, Банклараро Молия Уйи, АДИКС фирмаси, Банклараро Молиявий Брокерлик Компанияси.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг валюта қонунчилиги тизими ва унинг умумий тавсиф.

Мамлакатимизда валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Марказий банк томонидан қабул қилинган қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборатдир.

Валюта муносабатларини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда тасдиқланган “**Валютани тартибга солиш тўғрисида**”ги Қонуни ҳисобланади.

Мазкур Қонунга асосан валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Валюта операцияларига қуйидагилар киради:

валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар;

валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасида олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва жўнатиш;

халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш;

резидентлар ва норезидентлар ўртасида миллий валютадаги операциялар.

Валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига бўлинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида соф қўйма олтин муомаласи тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жорий халқаро операцияларга қуйидагилар киради:

ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан хизматлар кўрсатилиши муносабати билан, шунингдек одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари ишлаши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар;

фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинadиган фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шунингдек бошқа инвестициялардан олинadиган соф даромад шаклида тўланиши зарур тўловлар;

кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш;

савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларининг мақбул суммалари.

Савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларига қуйидагилар киради:

иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш;

ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ харажатларни тўлаш;

таълим ва даволаниш учун ҳақ тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари таъминоти учун ҳақ тўлаш;

нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар, шунингдек бундай ҳаракатларни амалга ошириш ва ишларни судларда кўриш муносабати билан давлат божи тўлаш;

суднинг, арбитражнинг, шунингдек тергов ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорлари асосида пул маблағлари тўлаш;

ҳалқаро конгресслар, симпозиумлар, конференцияларда, спорт ва маданий тадбирларда, шунингдек бошқа халқаро учрашувлар, кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этганлик учун тўловлар, инвестиция билан боғлиқ ва моддий харажатлар бундан мустасно;

дафн қилиш билан боғлиқ тўловлар;

муаллифлик ҳақини тўлаш, патент божларини тўлаш ва интеллектуал мулк соҳасидаги лицензия шартномаларининг мажбуриятлари бўйича ҳақ тўлаш;

ҳалқаро нотижорат ташкилотларига бадаллар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган бошқа операциялар.

Жорий халқаро операциялар ва чет эл валютасини улар билан боғлиқ ҳолда сотиб олиш ёки сотиш чекловларсиз амалга оширилади.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига жорий халқаро операциялар ҳисобланмайдиган барча операциялар, шу жумладан:

инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

кредитлар олиш ва бериш, лизинг операцияларини амалга ошириш;

кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

хорижий давлатлардан маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жалб этиш ҳамда хорижий давлатларда маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш киради.

Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, шунингдек тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ва бошқа ваколатхоналари эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўчмас мулк

объектларини олиш ва уларни кўриш бўйича капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентлар томонидан кўчмас мулкни олиш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда белгиланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муайян муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг қийматига ёхуд унинг курси ўзгаришига боғлиқ равишда бажарилиши мумкин.

Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар бўйича операциялар:

ваколатли банклар томонидан ўзаро ёки чет эл банклари билан чекловларсиз, очиқ валюта мавқеи лимити доирасида;

агар шартнома тузиш жорий халқаро операцияларни ўтказиш билан боғлиқ бўлса, банкларнинг миждозлари томонидан ваколатли банклар орқали амалга оширилади.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари“**Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида**” Низом¹га асосан тартибга солинади.

Ушбу Низомга асосан ваколатли банклар валюта операциялари ҳисобини юритади. Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномалар ташқи қарз ҳисобини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш ваколатли банклар томонидан мазкур шартномалар тўғрисидаги маълумотларни хабардор қилиш тартибида Марказий банкка тақдим этиш орқали амалга оширилади. Марказий банк хабардор қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномалар рўйхатга олинган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентлар томонидан кўчмас мулкни олиш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Валюта операциясини амалга ошириш учун резидент томонидан ваколатли банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза;

валюта операцияси амалга оширилишини назарда тутувчи ҳужжатнинг (шартнома, келишув, битим ва/ёки бошқа ҳужжат) ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхалари. Бунда ҳужжат матни давлат ёки рус

¹“Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида” Низом // Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/2-сонли қарори билан тасдиқланган.

тилида баён этилган бўлиши, агар ҳужжат матни бошқа тилда баён этилган бўлса, у легаллаштирилган ёки унга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши ҳамда давлат ёки рус тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Мазкур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг, ваколатли банк томонидан белгиланган тартибда валюта операцияси амалга оширилади. Резидентлар ҳужжатларни электрон тизим орқали қабул қилиш учун дастурий таъминотга эга бўлган ваколатли банкларга аризани электрон шаклда тақдим этиши мумкин. Бунда резидент валюта операцияси амалга оширилишини назарда тутувчи ҳужжатнинг (шартнома, келишув, битим ва/ёки бошқа ҳужжат) ёки унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхаларини аризага илова қилиши лозим.

Валюта операциясини амалга оширишда резидентқуйидагиларга мажбур:

бир валюта операцияси бўйича барча ҳисоб-китоб ва тўловларни асосий депозит ҳисобварағи очилган ваколатли банк орқали валюта операцияси шартларига мувофиқ амалга ошириш;

валюта операцияси шартларига ўзгартиришлар киритилганда (шартноманинг муддати узайтирилиши, тўлов муддатининг кечиктирилиши, қарзни сўндириш жадвалининг ўзгартирилиши, қарзнинг тўлиқ сўндирилиши ёки шартноманинг бекор қилиниши ва бошқалар) ваколатли банкни хабардор қилиш.

Валюта операциясини амалга оширишда ваколатли банк:

валюта операциялари ҳисобини юритиш учун рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва ваколатли банкнинг муҳри билан тасдиқланган журнал юритиши;

амалга оширилган ҳар бир валюта операцияси бўйича мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар, тўлов ҳужжатлари ва бошқа зарур ҳужжатларнинг нусхалари тикилган йиғмажилд юритиши;

ҳисоб-китоб ва тўловларни валюта операцияси шартларига мувофиқ амалга ошириши;

Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномалар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ижрога қабул қилингандан кейин 5 иш куни ичида улар тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Марказий банкка тақдим этиши.

Валюта операциясини ҳисобга олиш журналида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

ҳужжат ижрога қабул қилинган сана;

ҳужжатнинг рақами ва санаси;

резидентнинг номи;

валюта операциясининг тури, суммаси ва валютаси;

валюта операциясининг ҳолати (амалда, бошқа ваколатли банкка ўтказилган ёки яқунланган);

валюта операцияси ҳисобининг юритилиши тугалланган сана (бошқа ваколатли банкка ўтказилган ёки яқунланган).

Резидентнинг асосий депозит ҳисобварағи бошқа ваколатли банкка ўтказилган тақдирда, кейинги валюта операцияларининг ҳисоби резидентнинг асосий депозит ҳисобварағи ўтказилган ваколатли банк томонидан юритилади.

Резидентнинг валюта операциялари бўйича ҳужжатлари ваколатли банклар ўртасида тузиладиган қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида ўтказилади.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш:

юридик шахслар томонидан ваколатли банклар орқали;

жисмоний шахслар томонидан ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали амалга оширилади”¹.

Ўзбекистон Республикасининг **“Валютани тартибга солиш тўғрисида”** Қонунининг 19-моддасидан нақд чет эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқиш тартиби белгиланган. Ушбу моддага асосан жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига нақд чет эл валютасини олиб кириши чекловларсиз амалга оширилади. Резидент жисмоний шахслар нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишлари мумкин. Қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ бўлган нақд чет эл валютасининг резидент жисмоний шахслар томонидан олиб чиқилиши уларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банклар томонидан бериладиган, Ўзбекистон Республикасидан нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда амалга оширилади.

2004 йил 16- мартдаги 1326-сонли **“Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисида”** Низом² Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида” 86-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси - “сўм”ни Ўзбекистон

¹Ўзбекистон Республикаси қонуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда;

²“Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисида” Низом // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 16 мартда 1326-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона кўмитасининг 2004 йил 1 мартдаги 249-В, 01-02/19-16-сон қарори билан тасдиқланган

Республикасига олиб кириш ва республикадан ташқарига олиб чиқиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва республикадан ташқарига олиб чиқиш божхона қоидаларига риоя қилиш шарти билан ва мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқишга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан ошмайдиган сумма доирасида рухсат берилади. Мазкур Низомда кўрсатилган суммадан ортиқча Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан йўл қўйилади.

Рухсат олиш учун жисмоний шахслар томонидан Марказий банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:
 - жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
 - жисмоний шахс яшаётган манзил;
 - олиб чиқиляётган сумма;
 - нақд миллий валютадан республика ташқарисида фойдаланиш мақсади;
- паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси ва уларнинг кўчирма нусхалари.

Жисмоний шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиш муддати - аризалар Марказий банкка келиб тушган санадан бошлаб кўпи билан 10 кун. Марказий банк томонидан жисмоний шахсларга нақд миллий валютани республикадан ташқарига олиб чиқиш учун рухсатнома бериш шарти бўлиб мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган, тегишли тарзда расмийлаштирилган ва нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олмаган барча ҳужжатларни тақдим этиш ҳисобланади. Жисмоний шахс томонидан мазкур Низомнинг 7-бандида

кўрсатилган шартларга риоя қилинмаган тақдирда Марказий банк рухсатнома беришни рад этиши мумкин. Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилганидан кейин, агар улар мазкур Низом талабларига мувофиқ келса, Марказий банк томонидан жисмоний шахсга нақд миллий валютани олиб чиқишга рухсатнома берилади. Рухсатномани Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг пул муомаласи масалаларини бош-қарадиган ўринбосари имзолайди.

Резидент ва норезидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишга йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси бўлганида ваколатли банклар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси олиб кирилиши ва олиб чиқилиши чоғида божхона тўловлари, бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно, ундирилмайди. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси божхона органи томонидан декларацияланиши керак:

энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача миқдорда бўлса - Т-6 шаклидаги божхона декларациясига мажбурий тарзда киритмасдан;

энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан ортиқ бўлса - Т-6 шаклидаги божхона декларациясига мажбурий тарзда киритган ҳолда.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси белгиланган меъёрдан ортиқча олиб кирилганда ТС-21 квитанцияси тўлдирилади. Божхона назорати пайтида аниқланган Ўзбекистон Республикасининг қалбаки нақд миллий валютаси ўтказилмайди, ушлаб қолинади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида” Қарори¹га асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирдан-бир қонуний тўлов воситаси бўлмиш миллий валютанинг мақомини янада мустаҳкамлаш, нақд хорижий валютанинг муомала доирасини тартибга солиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни сўзсиз бажариш, шунингдек валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - жисмоний шахсларга ваколатли банклар томонидан хорижий валютани халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш механизми жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - жисмоний шахсларга нақдсиз хорижий валютани сотиш ваколатли банклар ва уларнинг филиаллари биноларида қуйидаги тартибда амалга оширилиши белгиланди:

Ўзбекистон Республикасининг резиденти - жисмоний шахс ваколатли банкда ўрнатилган тартибда халқаро тўлов картасини очади;

Ўзбекистон Республикасининг резиденти - жисмоний шахс хорижий валютани сотиб олиш учун ваколатли банкка шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, яшаш гувоҳномаси ёки ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий билет)ни, шунингдек валюта айирбошлаш операциясини амалга ошириш учун депозит ҳисобида миллий валютадаги зарур пул маблағлари мавжуд бўлган шахсий пластик банк картасини тақдим этади;

ваколатли банк шахсий пластик банк картасида миллий валютадаги пул маблағлари етарли эканлигини текширади, хорижий валютани операция амалга оширилган куни белгиланган айирбошлаш курси бўйича халқаро тўлов картасига ўтказди ҳамда жисмоний шахсга хорижий валютани сотиб олганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги маълумотномани беради.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 6-сон, 66-модда.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - жисмоний шахслардан ва норезидентлардан хорижий валютани сотиб олиш ваколатли банклар томонидан, қоида тариқасида, ваколатли банклар ва уларнинг филиаллари биноларида, аэропортларда, темир йўл вокзалларида, меҳмонхоналарда, ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни белгилаш бошқармалари (бўлимлари)да, шунингдек божхона постларида жойлашган айирбошлаш шохобчалари орқали чекланмаган миқдорда амалга оширилади.

Ушбу Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатли банклар билан биргаликда валюта айирбошлаш операциялари билан шуғулланувчи банкларнинг тегишли бўлинмаларида аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш учун лозим бўлган шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди ҳамда халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан хорижий валютани сотиб олиш ва уларга сотиш тартиби ҳамда механизми тўғрисида аҳолини кенг кўламда ва тўлиқ хабардор қилиш чораларини амалга оширади.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги” Низом¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги ПФ-1979-сонли “Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2013 йил 30 январдаги ПҚ-1914-сонли

¹“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги” Низом // Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/6-сонли қарорига илова // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами - 2678.

“Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан (рухсатнома бериш тартибини белгилайди.

Ушбу низомга асосан жисмоний шахслар-резидентлар томонидан 5000 АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан ошган нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун Марказий банкининг рухсатномаси (бундан буён матнда рухсатнома деб юритилади) олинishi шарт.

Жисмоний шахслар-резидентларга рухсатномалар қуйидаги мақсадлар учун берилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари асосида ҳукумат делегациялари таркибида хорижий давлатларга чиқиш учун;

б) хорижий давлатларда доимий яшаш мақсадида хорижий давлатларга чиқиш учун;

в) хизмат сафари юзасидан хорижий давлатларга чиқиш учун;

г) таълим олиш мақсадида хорижий давлатларга чиқиш учун;

д) бошқа мақсадлар учун (сайёҳлик сафарлари, даволаниш, қариндошларни кўриб-келиш, спорт мусобақалари ва ҳ.к.).

Жисмоний шахслар-резидентлар рухсатнома олиш учун Марказий банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда ариза;

б) қуйидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда паспорт нусхаси:

паспорт серияси, рақами ва берилган санаси;

паспорт берган орган номи;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома белгиси (агар талаб қилинса);

хорижий давлатга чиқиш визаси (агар виза режими белгиланган бўлса);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги белги;

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома нусхаси (агар талаб қилинса);

г) нақд хорижий валютанинг келиб чиқиш манбасини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхалари кўрсатилган ҳолда уларнинг нусхалари (ваколатли банкнинг ҳисобварақлар ва омонатлардаги хорижий валюта олинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар);

д) хизмат сафарига юборилаётган шахслар учун — хорижга хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқнинг, таклиф этаётган тараф хатларининг нусхаси;

е) ҳукумат делегациялари таркибида хорижга бораётган шахслар учун — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишининг нусхаси;

ж) хорижга чиқиш мақсадини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар — агар мавжуд бўлса.

Жисмоний шахслар-резидентларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва уларга рухсатномаларни бериш ёки рухсатномалар беришни рад этиш ариза келиб тушган санадан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан амалга оширилади.

Марказий банк томонидан рухсатномалар беришда:

а) жисмоний шахслар-резидентлар мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган мақсадларда чет элга чиқаётганлиги;

б) жисмоний шахслар-резидентлар томонидан мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тегишлилиги бўйича тўлиқ тақдим этилганлиги асос бўлади.

Жисмоний шахс-резидент томонидан мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда Марказий банк рухсатнома беришни рад этади ва бу ҳақда жисмоний шахс-резидентга ёзма равишда жавоб беради. Тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлганда, Марказий банк томонидан **“Нақд чет эл валютасида**

операцияларни амалга ошириш қоидалари”нинг (рўйхат рақами 957, 2000 йил 17 август) За-илоvasида келтирилган 09006-1 шакл бўйича рухсатнома расмийлаштирилади. Рухсатнома Марказий банк раисининг валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича масъул ўринбосари томонидан имзоланади. Рухсатнома икки нусхада расмийлаштирилади, биринчи нусхаси жисмоний шахс-резидентга берилади, иккинчи нусхаси Марказий банкда қолдирилади. Рухсатнома берилган санадан бошлаб уч ой давомида ҳақиқий ҳисобланади.

1.3 Валюта сиёсатини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари

Валюта сиёсати - валюта муаммолари бўйича қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва тадбиқ этишдан иборатдир. Валюта муносабатларини тартибга солиш бир неча поғоналардан иборат: хусусий фирмалар, биринчи навбатда валюта муносабатларида актив иштирок этаётган ва йирик валюта маблағларига эга бўлган миллий ва халқаро банклар ва коорпорациялар киради; халқаро давлат қаторидаги миллий давлатлар (Молия вазирлиги, Марказий банк, валюта назорати ташкилотлари).

Ўзбекистон Республикасининг **“Ўзбекистон республикасининг Марказий банки тўғрисида”** қонунининг 23-моддасида монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Ушбу моддага асосан Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланишидан камида ўттиз кун олдин Олий Мажлиснинг Сенатига бу ҳақда ахборот беради.

Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари:

- иқтисодий конъюнктуранинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичларини;
- муомалада бўлган пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегараларини;

- пул массаси йиллик ўсиш суръатининг аниқ мақсадли кўрсаткичларини, шу жумладан Марказий банк ички активларининг ўзгаришини;
- валюта ҳамда фоиз сиёсатининг асосий йўналишларини;
- пул-кредит соҳасини тартибга солишга доир ҳаракатларнинг аниқ мақсадли асосий кўрсаткичларини ўз ичига олиши лозим.

“**Монетар сиёсат**-валюта тизимининг иқтисодиётни фаолият кўрсатиши ва ривожланишига жиддий тарзда таъсир кўрсатиш қобилиятига таянадиган иқтисодий сиёсат бўлиб ҳисобланади. Монетар сиёсат валюта курсига, фоиз ставкаларига, банк тизимининг умумликвидлилиқ ҳажмига ва табиийки бутун иқтисодиётга таъсир ўтказиш учун йўналтирилади. Бу вазифаларни ечишда иқтисодиётни барқарор ўсишини ҳамда ишсизлик ва инфляцияни камайишини таъминлаш мақсади ётади.

Марказий банк монетар сиёсати иккита асосий сиёсатдан иборат бўлиб, булар: валюта сиёсати ва пул-кредит сиёсатидир. Ўз навбатида валюта сиёсати пул-кредитга бевосита боғлиқ бўлиб, иккала сиёсат ҳам давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Кўпгина ривожланган давлатларда валюта ва пул-кредитни ажратишмайди ва биттагина термин - “Монетар сиёсат” деб аташади.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат”¹.

Валюта сиёсати мақсад ва шаклига кўра структуравий ва жорийга бўлинади:

Структуравий валюта сиёсати - жаҳон валюта тизими структурасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли тадбирлар мажмуидир. Улар ҳамма мамлакатларнинг мақсадларига туғри келадиган, алоҳида валюталарни

¹Тожиев Р.Р. Насриддинов Ф.Н. “Монетар сиёсат” Тошкент, ТДИУ нашриёти, 2007 йил, 54 б.

шакллантиришга қарши қаратилган валюта тадбирлари орқали амалга оширилади. Структуравий валюта сиёсати жорий валюта тизимига ўз таъсирини кўрсатади.

Жорий валюта сиёсати -валюта курси, валюта операцияси, валюта бозорининг фаолияти ва олтин бозорини қисқа вақтда тезкорлик билан бошқаришдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни валюта воситалари орқали тартибга солиш **қонунчилик, ижро этиш** ва **назорат қилиш** хусусиятидаги тадбирлар тизимидан иборат бўлади.

“Бунда иқтисодиётни валюта воситалари орқали тартибга солишнинг объектив имконияти иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва капитал тўпланиши маълум даражага эришгандагина вужудга келади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётни валюта воситалари орқали тартибга солиш такрор ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни ҳал қилишга қаратилгандир. Булар жумласига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иш билан бандликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни қўллаб-қувватлаш, экспортни рағбатлантириш кабиларни киритиш мумкин.

1994-2001 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олдида иқтисодиётда ўсиб бораётган тўлов маблағларига бўлган эҳтиёжни оптимал даражада қондириш ва айни пайтда инфляциянинг монетар омиллари таъсирини чеклаш мақсадида пул массаси ўсиши суръатларини назорат қилиш масалалари турар эди. Шу билан боғлиқ равишда бу даврдаги валюта сиёсати ҳукумат ва Марказий банк томонидан биргаликда қатъий чекланган курс асосида юритилиб, у ҳам молиявий тизимни барқарорлаштиришга, ҳам республика иқтисодиётининг устувор ва кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган эди.

Валюта воситалари ва усулларини ислоҳ қилиш тактик ва стратегик вазифаларни ажратишга асосланади. Стратегик вазифа шаклланган бозор

иқтисоди амал қилаётган мамлакатлар учун хос бўлган, валюта назоратининг умумий қабул қилинган воситаларидан фойдалана бошлашдир. Ушбу мақсадга эришиш узвий равишда бир қатор босқичлар орқали амалга оширилади. Монетар тартибга солиш воситаларини такомиллаштиришни босқичларга бўлиш ўтиш даврининг муайян тарихий босқичларини ҳисобга олиш зарурати билан белгиланади.

Банк тизимининг тараққиёти аниқ белгиланган мақсад, вазифалар ва тамойилларга асосланади. Ушбу мақсад, вазифа ва тамойиллар республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнида умумиқтисодий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини кенг кўламли ислоҳ қилиш жараёнида муҳим институтсионал ва тузилмавий ўзгаришларга эришилди. Икки босқичли банк тизими яъни, Марказий банк ҳамда мулкчиликнинг турли шакллари асосида тижорат банклари тизими ташкил этилди ва ривожланмоқда. Бундан ташқари банкларимизнинг етакчи хорижий банклар билан ҳамкорлиги йилдан-йилга кенгаймоқда.

Сўнгги йилларда президентимиз томонидан банк тизимига катта эътибор қаратилаётганлиги, шунингдек, тижорат банклари капиталлашувини янада жадаллаштириш борасидаги фармонларига мувофиқ қилинаётган сай-ҳаракатлар натижасида корхона ва ташкилотлар томонидан инвестицияларга бўлган талабнинг маълум даражада ўсишига эришилди.

Шунингдек, ликвидлилик устидан қатъий назорат ўрнатилганлиги ва бу асосда макроиқтисодий муҳитнинг етарли даражада ривожланаётганлиги банк тизими фаолиятини нақадар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Демак, банк тизимининг кейинги тараққиёти иқтисодиётнинг реал тармоғидаги ижобий ўзгаришлар, корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳамда макроиқтисодий муҳитнинг яхшиланиши билан боғлиқдир. Бундай ижобий муҳитни банк тизимига, айниқса, Марказий банк фаолиятига давлат ташкилотларининг

аралашувини чеклаш ва улар мустақиллигини таъминлаш орқали вужудга келтириш мумкин.

Шу нарса характерлики, ҳозиргача валюта воситаларининг туркумланиши борасида ягона бир йўналиш мавжуд эмас. Лекин, шу билан бирга кўпчилик иқтисодчи олимларқуйида келтирилган воситаларни асосий валютасиёсати инструментлари сифатида қайд этадилар”¹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсатини амалга оширишда қуйидаги инструментлардан фойдаланади:

1. Мажбурий захиралар сиёсати;
2. Ҳисоб ставкалари сиёсати;
3. Очиқ бозордаги операциялар сиёсати;
4. Валюта сиёсати ва шу кабилар.

Мазкур усуллар жаҳон банклари амалиётида тан олинган асосий усуллар ҳисобланиб, уларнинг қўлланиши ҳар бир давлатда турлича бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ да кўпроқ очиқ бозордаги усуллар қўлланилса, Германияда кўпроқ мажбурий захиралар қўлланилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий банкининг муомаладаги пул массасини тартибга солишда асосан мажбурий захиралар инструментида фойдаланилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсати, ҳозирги кунда Республика Олий Мажлиси ва Ҳукумати томонидан аниқланган монетар сиёсатнинг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилади.

¹О.Ю.Рашидов, Р.Р.Тожиев, У.Ш.Дўсқобилов. "Марказий банкнинг монетар сиёсати". Тошкент, ТДИУ нашриёти, 2010 йил, 131-132 б.

II БОБ.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикасида валюта назоратини амалга оширилишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.

Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда назорат қиладилар”¹.

Ўзбекистон Республикаси **Марказий банк**пул муомаласини тартибга солиш, кредит-банк соҳасини назорат қилиш, қатъий валютава валюта сиёсатини амалга ошириш функцияларини бажаради. Марказий банк банк тизимининг бош банки бўлиб, валютасиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради ва миллий пулнинг барқарорлигини таъминловчи муассасадир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз фаолиятини “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонун²га асосан олиб боради. Қонунда Марказий банкнинг мақоми, мақсади ва вазифалари, функциялари, фаолият тамойиллари ўз аксини топган.

¹Ўзбекистон Республикаси қонуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда;

²Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда; 1998 й., 9-сон, 181-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2006 й., 37-38-сон, 373-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2009 й., 15-сон, 176-модда, 37-сон, 403-модда, 39-сон, 423-модда, 52-сон, 553-модда; 2012 й., 15-сон, 163-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда).

Ушбу Қонуннинг 1-моддасида Марказий банкнинг мақоми қайд этилган бўлиб, унда: “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс бўлиб, фақат давлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки - иқтисодий жиҳатдан мустақил муассаса, ўз харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга”, деб ёзилган.

Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органидир. Марказий банк валютани тартибга солиш ва назорат қилиш мақсадида :

- ижро этиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани назорат қилишга доир норматив ҳужжатлар чиқаради;
- банкларга чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ва лицензияларни қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради;
- валюта биржасини лицензиялашни амалга оширади ва унинг фаолиятини тартибга солади;
- банклар учун очиқ валюта мавқеи чегараларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди;
- миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини тасарруф этади ва бошқаради.

Марказий банк ҳукуматнинг расмий валютаинститути сифатида намоён бўлади. Марказий банк орқали давлатнинг иқтисодий сиёсати, янада аниқроғи давлатнинг монетар сиёсати олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Валютани тартибга солиш тўғрисида”** Қонунининг 10-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколатлари доирасида:

- Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасининг ҳамда чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларининг муомаласи тартибини белгилайди;
- миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш механизмини белгилайди;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда норезидентлар томонидан миллий валютада ҳамда резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ва уларни юритиш тартибини белгилайди;
- резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валютада чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилайди;
- Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида барча турдаги валюта операцияларини амалга оширади;
- чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун банкларга лицензиялар беришнинг умумий қоидаларини белгилайди, бундай лицензияларни беради ва чақириб олади, шунингдек банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб туради;
- валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун лицензиялаш тартибини белгилайди;
- жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари муддатининг чегарасини белгилайди;
- кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун тўловларнинг мақбул суммалари миқдорини белгилайди;
- чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар билан операциялар ўтказиш тартибини белгилайди;

- капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди;
- ваколатли банклар реестрини юритади ва эълон қилади, ваколатли банклар учун очик валюта мавқеи лимитларини белгилайди;
- қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ валюта операциялари статистикасини тайёрлайди ва эълон қилади;
- чет эл валютасидаги тушумнинг бир қисмини резидентлар томонидан мажбурий тарзда сотишнинг миқдори ва тартибини белгилайди;
- валютани тартибга солиш масалалари бўйича барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар қабул қилади, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

“Валюта назоратини амалга оширувчи органлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақида”ги Низом¹га асосан қуйида кўрсатилган валюта назоратини амалга оширувчи органлар ҳамда ўз фаолиятида валютага оид қонунбузарликларга қарши курашувчи вазирлик ва идоралар зиммасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига валютага оид қонун бузилишлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш вазифаси юклатилади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

¹“Валюта назоратини амалга оширувчи органлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2003 йил 30 март кунги 216-сон буйруғи билан тасдиқланган

Молия вазирлиги;
Давлат солиқ қўмитаси;
умумий юрисдикция судлари;
Прокуратура органлари;
Миллий хавфсизлик хизмати;
Ички ишлар вазирлиги;
Давлат божхона қўмитаси;
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги.

Ушбу Низомга асосан валюта назоратини амалга оширувчи органлар, ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан қонунда белгиланган ваколатлари доирасида экспорт-импорт, бартер, консигнация контрактлари ва воситачилик операциялари бўйича ўтказилган текширувлар натижасида аниқланган валютага оид қонун бузилишлар, хориждан валюта маблағларининг ноқонуний қайтарилмаслиги, валюта алмаштириш операциялари соҳасидаги суиистеъмолчиликлар, хорижий валютада ноқонуний иш ҳақи тўлаш ва ҳисоб-китоб қилиш, хорижий валюта маблағларини ноқонуний айланиши, четга олиб чиқилиши ва олиб кирилиши, хорижий валюталардаги маблағларни сотиш бўйича мажбуриятлардан бўйин товлаш ва бошқа қонун бузилишлар тўғрисидаги маълумотлар уч кун муддатда, қўшимча текширилиши лозим бўлган маълумотлар эса ўн кун муддатда ушбу Низомнинг 1-иловаси шаклида қуйидаги тартибда тақдим этилади:

- Туман (шаҳар) миқёсидаги тармоқлар томонидан Департаментнинг қуйи органлари - туман (шаҳар) солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўлимларига (кейинги ўринларда - бўлим);
- Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) тармоқлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаларига (кейинги ўринларда - бошқарма);

- Республика марказий маҳкамалари томонидан Департаментнинг марказий маҳкамасига.

Валюта назоратини амалга оширувчи органлар, ҳамда вазирлик ва идоралар аниқланган валютага оид қонун бузилишлар бўйича тўпланган текширув ҳужжатлари юзасидан белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида қонуний чора кўрадилар ёки ваколатли идораларга қонуний чора кўриш учун юбориб, ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган тарзда маълумотлар тақдим этишни таъминлайдилар.

Департаментнинг қўйи бўлимларига тақдим этилган маълумотлар Низомнинг 1-илоvasи шаклида бошқармаларга уч кун муддатда, ўз навбатида бошқармалар томонидан уч кун муддатда Департаментнинг марказий маҳкамасига юборилиб, марказий маҳкамада маълумотларнинг марказлаштирилган ҳисоби юритилади ва маълумотларнинг компьютер базасига киритиб борилади.

Бевосита Департаментнинг қўйи тармоқлари томонидап аниқланган валютага оид қонун бузилишлар ҳақидаги маълумотлар Низомнинг 1-илоvasи шаклида уч кун муддатда, қўшимча текширилиши лозим бўлган маълумотлар эса ўн кун муддатда бошқармаларга, ўз навбатида бошқармалар томонидан Департаментнинг марказий маҳкамасига юборилади.

Умумий юрисдикция судлари валютага оид қонун бузилишлар юзасидан кўзғатилган ҳар бир жинойт ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 2-бандини 2, 3, 4-хатбошиларида баён этилган тартибда, 2 ва 3-иловаларида кўрсатилган шакллари тўлдирган ҳолда ҳар ойнинг 5-санасига тақдим этадилар.

Мазкур Низомда кўрсатилган валюта назоратини амалга оширувчи органлар, ҳамда вазирлик ва идоралар, уларнинг қўйи тнзимлари Низомда белгиланган шаклдаги талабнома орқали шахсни муқаддам маъмурий

жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлиги ҳақидаги ҳамда хизмат зарурияти туфайли ёзма сўровномага асосан бошқа маълумотларни Департаментнинг марказий маҳкамаси ва қўйи тармоқларидаги компьютер базасидан олиб, фойдаланадилар. Ушбу Низомда кўрсатилган валюта назоратини амалга оширувчи органлар, ҳамда вазирлик ва идоралар, уларнинг қўйи тизимлари томонидан юборилаётган маълумотлар ҳисобини тўғри юритилиши, тақдим этиш тартибига риоя қилиниши бўйича ҳар чоракда бўлим, бошқарма ҳамда Департамент билан таққослов ўтказилади.

Ушбу Низомнинг ижроси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади.

“Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”Низом¹юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишини мониторинг қилиш ва пул маблағларининг хорижга асоссиз ўтказилиши аломатларини аниқлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси, Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сон

¹“Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида” Низом // Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7, 01-02/19-22, 7/4сон қарорига Илова

“Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қароринормаларига асосланган.

Мазкур Низом 1-бандига асосан ваколатли банкларнинг филиаллари мижозлар томонидан амалга оширилган қуйида кўрсатилган ҳар қандай аломатга эга бўлган валюта операциялари тўғрисидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига, шунингдек бош ваколатли банкка тақдим этади:

- мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда маълумотларни ошкор этиш ва беришни назарда тутмайдиган давлат ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудларда) рўйхатдан ўтган, шунингдек норезидентларнинг оффшор ҳудудларда жойлашган банклардаги ҳисобварақларига шартнома (контракт) бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) импорти юзасидан тўлов амалга оширилиши ;
- резидентлар томонидан экспорт-импорт шартномаларида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганликлари ва етказиб бериш ёки тўлов муддатларига роя қилмаганликлари учун контрагент-норезидентларга жарима тўланиши (мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шакл бўйича);
- импорт шартномалари бўйича ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш, роялти бўйича тўлов, шунингдек чет эл таъсисчиларига дивидендларни ўтказиб бериш ёки фойдани репатриация қилиш юзасидан тўлов амалга оширилиши;
- норезидентларга улар юридик шахс - Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги акциялар, улушлар (пайлар) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўчмас мулкни реализация қилганликлари учун тўловлар амалга;
- резидент томонидан кредит шартномаси (қарз шартномаси) бўйича норезидент фойдасига (халқаро молия институтлари ва чет эл банклари

томонидан берилган кредит (қарз)лардан ташқари) тўловлар амалга оширилиши ;

- жисмоний шахс - Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан жисмоний шахсларнинг хориждаги ҳисобварағига пул маблағлари ўтказмаси, агар бир календарь йили давомида ўтказма суммасининг эквиваленти 10 минг АҚШ долларидадан ортиқ бўлса;
- ж) чет элдан жисмоний шахс — Ўзбекистон Республикаси резидентининг ҳисобварағига хорижий юридик шахслардан пул маблағларининг келиб тушиши (мазкур Низомнинг 4-иловасидаги шакл бўйича).

Юқорида санаб ўтилган валюта операциялари тўғрисидаги маълумот ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар ушбу Низомга мувофиқ шаклларда (шу жумладан, алоқа каналлари орқали электрон кўринишда) йил бошидан ўсиб бориш тартибида жўнатилади.

Бош ваколатли банклар ўзларининг филиалларидан келиб тушган маълумотларни умумлаштиради ва ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар, алоқа каналлари орқали йиғма маълумотларни электрон кўринишда мазкур Низомга мувофиқ шаклларда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига йил бошидан ўсиб бориш тартибида жўнатадилар.

“Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида” Низомнинг 4-бандига асосан Давлат божхона хизмати органларининг ҳудудий бошқармалари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларининг ҳудудий бошқармаларига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига қуйидаги фактлар аниқланган тақдирда маълумотни мазкур Низомга мувофиқ шаклларда (шу жумладан, алоқа каналлари орқали электрон кўринишда) тақдим этадилар:

- олиб кирилаётган товарларни божхонада расмийлаштиришда товарнинг фактура қийматини унинг экспортёр мамлакатида қайд этилган қийматидан асоссиз равишда юқорироқ кўрсатиш мақсадида давлат божхона хизмати органларига ишончсиз маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда (тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда);
- шартнома бўйича контрагент бўлмаган товар етказиб берувчилар томонидан товар етказиб берилганлик фактлари аниқланганда;
- олдиндан тўловсиз, аккредитив очилмасдан, харидор банкининг кафолатисиз ёки экспорт шартномаларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси расмийлаштирилмасдан товарлар экспорт қилинганда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар, кўрсатилган фактлар юзасидан йиғма маълумотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига мазкур Низомга мувофиқ шаклларда алоқа каналлари орқали электрон кўринишда жўнатади.

“Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида” Низомга мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишини мониторинг қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Давлат солиқ хизмати органлари ваколатли банклар ва давлат божхона хизмати органларидан олинган маълумотни таҳлил қилади ва валюта операцияларини (экспорт-импорт операциялари, маблағларни ўтказиш ва шу каби) амалга ошириш тартиби бузилганлик белгилари аниқланганда, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларига мазкур шартномани тузган хўжалик юритувчи

субъектнинг фаолиятини текширишдан ўтказиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун талабнома билан муурожаат қилади.

Текшириш ва камерал назорати натижалари бўйича ҳуқуқбузарлик фактлари содир этилганлиги тасдиқланганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўрилади ва текшириш материаллари қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

Ўтказилаётган текширишлар ва камерал назорати жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда Давлат солиқ хизмати органлари бу ҳақда уч кун муддат ичида **Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига** хабар беради.

Давлат солиқ хизмати ва божхона хизмати органларининг ҳамда ваколатли банкларнинг мансабдор шахслари валюта операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назоратни лозим даражада таъминламаганликлари, мазкур Низом талабларини бажармаганликлари, тижорат ва банк сирини ошкор этганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

2.2. Валюта тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик масалалари ва жавобгарлик турлари.

Валюта тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига кўрақуйидаги турларга бўлинади:

- жиноий жавобгарлик;
- маъмурий жавобгарлик;
- фуқаровий-ҳуқуқий(молиявий) жавобгарлик.

Жиноий жавобгарлик- жиноят ҳуқуқи нормалари билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга жиддий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши мумкин бўлган тажовуз қилингандагина вужудга келади. Шундай экан, жиноий жавобгарлик ўз навбатида қандайдир ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиради. Жиноий жавобгарлик эса жиноят ҳуқуқий муносабатдир. Аммо жиноят ҳуқуқий муносабатнинг келиб чиқиши учун бирон-бир юридик факт содир этилиши талаб қилинади ва бундай юридик факт жиноятнинг содир этилиши ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг бир кўриниши бўлиб, у жиноят қонунида белгилаб қўйилган ва суд томонидан жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан жавобгарликни қўллашдан иборатдир. Шунга мувофиқ равишда жиноий жавобгарлик жавобгарликнинг бошқа турлари(ахлоқий, фуқаровий, маъмурий ва ҳ.к.)дан энг аввало ўзининг мазмуни жиҳатидан фарқ қилади¹.

Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят кодексининг** бир қатор моддаларида бевосита валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг **ЖК**нинг 176-моддасида **“қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш”** жиноятини содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу модданинг 1-қисмига асосан “ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш - икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Ушбу модданинг 2-қисмига асосан “ўша ҳаракатлартакроран ёки хавфли рецидивист томонидан; кўп миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан

¹Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи(умумий қисм). Олий Ўқув юртлари учун дарслик.Т. : “ИЛМ ЗИЁ” 2005-480 бет

тил бириктириб содир этилган бўлса - беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Ушбу модданинг 3-қисмига асосан “ўша ҳаракатларжуда кўп миқдорда;уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса - ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Ўзбекистон Республикасининг **ЖК**нинг 177-моддасида“**валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш**” жиноятини содир етганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу модданинг 1-қисмига асосан “фуқароларнинг қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса -энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади”.

Ушбу модданинг 2-қисмига асосан “ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; кўп миқдорда;бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади”.

Ушбу модданинг 3-қисмига асосан “ўша ҳаракатларжуда кўп миқдорда;уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса -энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

ЖКнинг 177-моддасида назарда тутилган жиноят преференциал таркибли жиноят ҳисобланади.

“Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди”¹.

Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг 178-моддасида “**чет эл валютасини яшириш**” жиноятини содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

“Қорхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасддан яшириб қолиниши - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ғаразгўйлик билан;

б) такроран;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, - беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, - саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

И.Й. Козаченконинг фикрича: “Жиноий жавобгарлик – бу шахс жиноят содир этган вақтдан бошлаб вужудга келадиган ҳуқуқий муносабат бўлиб, жиноят содир этган шахсни қайта тарбиялаш ва узатиш, умумий ва махсус тартибда огоҳлантириш мақсадида қўлланиладиган мажбурлов чораси. Жиноий

¹Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: (2015 йил 1 октябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2015 й. - 480 б.

жавобгарлик натижасида давлат шахсининг ҳуқуқини чеклаб қўяди, жиноят содир этган шахс эса давлат номидан суд томонидан фақат жиноят қонунчилигида кўрсатилган жазо чораси доирасида қўлланадиган шахсий мулкӣ ва бошқа хусусиятдаги таъсир чораларини бажаришга мажбур бўлади .

Б.В. Здравомислов, Й.А. Красиков ва А.И. Ророгларнинг фикрича жиноий жавобгарлик қуйидаги элементлардан ташкил топган:

- давлат вакиллик органлари олдида жиноят содир этган шахсда ҳисоб бериш мажбурятини вужудга келтиради;
- содир этилган қилмишни баҳоловчи суд ҳукми чиқарилади;
- айбдор шахсга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси қўлланилади;
- жазонинг ҳуқуқий оқибати сифатида судланганликни вужудга келтиради.

А.А Пионковскийнинг фикрича, жиноий жавобгарлик жиноят содир этилган вақтдан бошлаб вужудга келади. М.Брайнин эса, жиноий жавобгарлик шахс жиноят ишига айбланувчи сифатида жалб қилинганда ёки суриштирув органлари томонидан жиноят содир этган шахс сифатида ушланган вақтдан бошлаб вужудга келади, дейди¹.

Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** бир қатор моддаларида бевосита валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

МЖтКнинг 170-моддасига асосан “валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш - валюта бойликларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

МЖтКнинг 170-моддасига асосан “валюта операцияларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва банклар ходимларининг чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклардаги валюта счётларига яшириб қолиш мақсадини кўзламай туриб

¹Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи(умумий қисм). Олий Ўқув юртлари учун дарслик.Т. : “ИЛМ ЗИЁ” 2005-480 бет

вақтида ёхуд тўлиқ ўтказилмаслик -мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Валюта тушумининг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорларда мажбурий сотишдан бўйин товлаш - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузиш - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

МЖтКнинг 264-моддасига асосан“давлат солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларига ушбу Кодекс 170-171 моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Давлат солиқ органларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи, унинг ўринбосари, Департамент ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар бўлимларининг бошлиқлари тегишинча ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар

тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидирлар¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”** қарори²га асосан валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг валюта яқка ҳукмронлигига путур етказди, улар кўпинча талон-торож қилиш, порахўрлик, божхона қонунчилигини бузиш каби жиноятлар билан боғлиқ бўлади.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда қўлга киритиш манбалари, ўтказиш йўллари, усуллари, жиноятларнинг барча иштирокчилари аниқланиши ва жавобгарликка тортилишига алоҳида эътибор қаратилиши, жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш учун барча чоралар кўрилиши лозим.

Валюта қимматликларининг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги 2003 йил 11-декабрдаги Қонунининг 1-моддаси 2-бандида берилган бўлиб у кенгайтирилиб талқин этилиши мумкин эмас. Бундай қимматликларга қуйидагилар киради:

а) чет эл валютаси;

б) чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар - фонд бойликлари (акциялар, облигациялар ва бошқалар);

¹Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси: (2015 йил 1 октябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2015 й. - 520 б.

²Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида” қарори. 2000 йил 28 апрель, 8-сон

в) чет эл валютасидаги тўлов хужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва бошқалар);

г) қимматбаҳо металллар - ҳар қандай кўриниш ва ҳолатдаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гуруҳига кирувчи (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий) металллар (шундай металллардан ишланган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари ҳамда уларнинг парчалари бундан мустасно);

д) табиий қимматбаҳо тошлар - сайқал берилган ва сайқал берилмаган шаклдаги олмос, лаъл, зумрад, ёқут ҳамда александрит, шунингдек марварид (шундай тошлардан ишланган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари ҳамда уларнинг парчалари бундан мустасно).

Ушбу Пленум қарорининг 4-бандига асосан “валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу ҳаракатлар содир этилган вақтда валюта қимматликларини ўрнатилган тартибларни бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилади.

Валюта қимматликларини сақлаш ва ташиш ҳолатлари ўзича валюта қимматликларини ноқонуний олиш ёки ўтказишни ташкил этмайди. Валюта қимматликларига нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи бошқа шахсга қонунга ҳилоф равишда ўтган вақтдан бошлаб жинойт тамом бўлган деб ҳисобланади.

Тайёрловчи ёки буюртмачига қонуний равишда қарашли бўлган, валюта қимматлиги ҳисобланувчи, қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмларининг, ясама тишлар ва бошқа маиший буюртмаларнинг тайёрланиши, шу жумладан бундай нарсаларнинг қимматбаҳо металллар ва тошлардан, ҳамда уларнинг резгиларидан иборат бошқа заргарлик ва маиший буюмлардан тайёрланиши валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Чет эл валютасининг анча, кўп ва жуда кўп миқдорда эканлигини белгилаш масаласини ҳал этиш тергов ва суд органлари ваколатига киради. Улар бу масалани ҳал этишда битимлар амалга оширилган кунда Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигига нисбатан курсидан келиб чиқишлари лозим.

Биринчи маротаба содир этилган анча миқдордан ошмайдиган миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 170-моддасида белгиланган маъмурий жавобгарликка асос бўлувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Анча миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш шундай ҳаракатлари учун илгари маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида содир этилган бўлса, бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг 177-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят деб ҳисобланади.

Агар шахс кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш мақсадида ҳаракат қилган бўлиб, ўзининг бу мақсадини бир неча маротаба оз миқдордан валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш орқали бўлиб-бўлиб амалга оширса, у Жиноят кодексининг 177-моддаси билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Қилмишни Жиноят кодексининг 177-моддаси иккинчи ва учинчи қисми билан тавсифлашда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов хулосаси ва ҳукмда айбдорнинг қилмиши айнан қандай белгисига кўра жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралаётганлиги албатта ифодаланган бўлиши лозим. Бу ўринда шуни инобатга олиш керакки, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишнинг такроран ёки хавфли рецидивист томонидан кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан, олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги жиноий жавобгарликка, яъни қилмишни Жиноят кодексининг 177-моддаси тегишли қисми билан тавсифлашга асос бўлади ва шундай ҳаракатлар учун муқаддам маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилмайди.

Валюта қимматликларини босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик, ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилиш, шунингдек, валюта қимматликларида пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, хизматчини пора эвазига оғдириш, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш Жиноят кодексининг фақат ана шундай жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддаси билан тавсифланиши лозим ва Жиноят кодексининг 177-моддаси билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди.

Божхона назоратини четлаб ёки божхонадан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кўп миқдорда, жуда кўп миқдорда хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда, чегарани бузиб ўтиш йўли билан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, кейинчалик улар билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида битимлар (сотиш, алмаштириш) амалга оширилганда божхона қонунларини бузиш ва валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда ўтказиш сифатида баҳоланиши ва шу жиноятлар мажмуи бўйича тавсифланиши лозим.

Агар қалбакилиги айбдорга аён бўлган валюта қимматликлари кўринишидаги, пул муомаласида қўлланишини истисно қиладиган даражада ҳақиқийсига рўй-рост ўхшамайдиган купюралар ўтказилган бўлса, шунингдек, айбдорда жабрланувчини қўпол равишда алдаш нияти бўлганлигидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 176-моддасининг тегишли қисми бўйича тавсифланиб, Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди. Қалбакилигини билмагани ҳолда қалбаки валюта қимматликларини олган ва кейинчалик уларни ўтказган шахснинг қилмиши

валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида тавсифланиши лозим.

Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига қарашли бўлган жиноят нарсалари деб топилган валюта қимматликларининг давлат эгаллигига ўтказилиши масаласи Жиноят-процессуал кодексининг 211, 284, 285-моддалари тартибида ҳал қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 401, 471-моддаларига мувофиқ ҳукм чиқарилганда ва жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ҳақида ажрим (қарор) қабул қилинганида ишга қўшилган ашъвий далиллар масаласи тўғри ҳал этилиши керак. Бундан шуни назарда тутиш керакки, эгасининг ёки фойдаланувчининг тасарруфидан ғайриқонуний равишда бегоналаштирилган валюта қимматликлари, қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари тегишлилиги бўйича қайтарилиши лозим.

Эгасининг хоҳиши билан жиноий битимнинг объекти бўлган валюта қимматликлари, уларнинг эгаси қайсидир асосларга кўра жиноий жавобгарликка тортилмаган тақдирда ҳам давлат даромадлари ҳисобига ўтказилиши керак.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш орқали орттирилган пул ва бошқа қимматликлар давлат даромадлари ҳисобига ўтказилади. Агар жиноий йўл билан орттирилган пул ёки бошқа қимматликлар топилмаса, олинган сумма ёхуд қимматликларнинг қиймати давлат фойдасига ундирилади”¹.

2.3 Валюта қонунчилигини такомиллаштиришда хориж тажрибаси.

Кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатлар (Германия, Швейцария, Франция, Япония, Дания, Австрия)да Марказий банкнинг фаолият доираси ва асосий мақсадлари Конституцияда ва Марказий банк ҳақидаги Қонун ҳамда шу

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида” қарори. 2000 йил 28 апрель, 8-сон

каби бошқа банклар фаолияти ҳақидаги қонунчиликда аниқ белгилаб қуйилган. Бу миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш кафолатидир.

Немис Федерал банки ҳақидаги Қонунда бош банк тизими олдига уч асосий вазифа: - пул муомаласини тартибга солиш; - иқтисодий кредит билан таъминлашни тартибга солиш; - тўлов айланмасини амалга ошириш қуйилган. Немис Федерал банкининг вазифалари, мақсадлари ва йуналишига яқинроқ бўлган Австрия Миллий банкни мисол тариқасида келтириш мумкин. Марказий банкнинг вазифаси қонунда умумлашган ҳолда акс этган ва айни вақтда унинг рухсат этилган операциялари аниқ кўрсатилгандир. Австрия банк қонунчилигининг ўзига хос хусусияти, унинг Марказий банк қонунчилигида қатнашиш ҳуқуққа эга эканлиги ҳисобланади. Пул-кредит соҳасига тегишли қонун лойиҳаларининг ҳаммаси Марказий банкка кўриб чиқиш учун маълум вақтга берилади ва унинг розилигидан сўнггина тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги Қонунида Марказий банкка пул-кредит сиёсати механизмларини танлашда кенг мустақиллик берилган. Мисол тариқасида, кредитларнинг фоиз ставкасини, банкларга ўрнатилган иқтисодий меъёрларни, қимматбаҳо қоғозлар биланамалга ошириладиган операцияларни, мажбурий резервлар миқдорини аниқлаш ва шу кабиларни келтириш мумкин. Бу борада Англия Марказий банки мавқеи ўзгачадир. Унинг асосий вазифалари қонуний тартибда ҳам қайд қилинмаган, шу билан бирга Молия Вазирлигига ҳам бўйсинмайди. Англия Марказий банкининг вазифалари бу соҳада миллий урф-одатларга таянади, бу эса ўз навбатида Англия банкининг ташкил топишдаги тарихий ҳужжатларига асосланади. Бир қатор мамлакатларда, масалан, АҚШ, Швеция, Буюк Британия ва Италияда Марказий банк вазифаларининг таърифи қонунда қайд этилмаган ёки умумий ҳолда кўрсатилган, холос. Шундай бўлса ҳам, иккала гуруҳда жуда мустақил ва шу билан бирга қарамроқ бўлган марказий банклар бордир. Шундай қилиб, бу омилнинг таъсирини фақат Марказий банкнинг ташкил топиши шароити ва урф-одатлар таҳлили билангина кўриш мумкин. Марказий банкнинг вазифа ва

мақсадлари қонунда аниқланиш омили шу сабабли иккинчи даражали рол ўйнайди. Марказий банк мустақиллигининг белгиловчи омиллардан бири, унинг пул-кредит сиёсатида давлат органларининг аралашини қонун бўйича қанчалик даражада ўрнатилганлигидадир. Бу омил биринчи галда Марказий банкнинг сиёсий мустақиллигига таъсир кўрсатади. Мустақиллик даражаси нисбатан паст бўлган марказий банкларга Франция ва Италия марказий банкларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу давлатларда пул-кредит сиёсати йуналишини белгилаши Қонун билан мустахкамланган. Марказий банк эса, ҳукумат кўрсатмаларини бажаради ва унга маслахатчи вазифасини ўтайди. Давлатнинг пул-кредит сиёсатида аралашуви қонунда кўрсатилганлиги ва унинг даражаси кенглиги омилига кейинги мамлакатлар гуруҳини Буюк Британия, Голландия, Швеция ва Япония мамлакатлари эгаллайди. Бу мамлакатларда давлат органларининг Марказий банк сиёсатида аралашуви, унга йўл-йуриқ кўрсатиши, унинг қарорини бекор қилиши ва шу қабилар Қонунда аниқ белгиланган.

Англияда давлат билан Марказий банк ўртасидаги муносабатлар 1946 йилда қабул қилинган “Англия банки ҳақидаги қонун”нинг 1-бўлим 4-банди билан тартибга солинади. Шу қонунга мувофиқ, Молия Вазирлиги Марказий банк устидан сезиларли таъсир ўтказиш учун расмий ҳуқуққа эга ҳисобланади. Англия банки фаолият кўрсатишга нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатишга эга, Дания ва Австрия Марказий банклари эса пул-кредит сиёсати юритишда ҳукуматнинг аралашувидан мустақиллик даражаси бўйича олдинги ўринларда турадилар. Бу давлатларнинг қонунчилиги ҳукумат Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатида аралашувига расмий равишда йул куймайди, бироқ, марказий банкларни ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатида мослаб сиёсат юритишларини ўзаро мослашиши талаб қилинади. Австрия Миллий банки фаолияти устидан Молия Вазирлиги назорат олиб боради. Молия вазири банк фаолиятининг қонунийлиги бўйича қонун олдида жавобгардир. У давлат комиссари ва унинг ўринбосарларини тайинлайди, улар Бош Кенгашнинг йирилишларида ўз

овозлари билан иштирок этишлари ҳамда далолатнома ва тушунтириш хатларини талаб қилишлари мумкин. Давлат комиссари Марказий банк Бош Кенгашининг қарорини орқага суришга ҳуқуқи бор, бунда албатта қарор комиссарнинг фикрича, амал қилаётган қонунчиликка зид келиши керак. Бироқ, Марказий банк қонунда кўрсатилган фаолиятни ва операцияларни амалга оширса, давлат комиссари ҳам Молия вазири ҳам аралашушга ҳуқуқи йук. Шу орқали бир томондан, Австрия Миллий банки мустақиллиги қонун билан мустаҳкамланган, бошқа томондан эса, давлат органлари Марказий банк сиёсатига бевосита раҳбар сайлаб ва назорат ўрнатиб, таъсир кўрсатиши мумкин. Охириги тўртинчи гуруҳ мамлакатларга Германия ва Швейцарияни кўрсатиш мумкинки, бу давлатларнинг марказий банклари энг мустақил ҳисобланади. Бу мамлакатлар қонунчилигида давлат Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатига аралашуви кўрсатилмаган. Швейцария Марказий банкни ҳукумат иқтисодий сиёсатига мослашиши хусусида қонунчиликда қайд қилинмаган. Германияда Марказий банк сиёсати мамлакат ҳукуматидан қонун бўйича мустақил қилиб белгилаб қуйилган. 1924 йилда Германияда бўлган инфляцион инқироз даврида аниқ бўлдики, Марказий банк фаолиятини ҳукумат таъсиридан чегаралаш керак. Германия Федератив Республикаси эмиссия банкнинг тўлиқ мустақиллиги 1948 йилда қайта тикланди. АҚШнинг Федерал Резерв Тизимидан фарқли равишда Немис Федерал банки парламентга ҳисобот бермайди, у ўз фаолияти ваколатини “Немис Федерал банки ҳақида”ги қонунга мувофиқ амалга оширади. Марказий банк мустақиллигининг бешинчи омилига ҳукуматнинг кредитлашни чегараланганлиги қонунда кўрсатилганлигида намоён бўлади. Ҳукуматнинг кредитлашни чегаралаш Марказий банкнинг иқтисодий мустақиллигига ҳам, сиёсий мустақиллигига ҳам таъсир кўрсатади. Бироқ, бу омил фақатгина Марказий банк томонидан ҳукуматни бевосита молиялаштириш тизимининг мавжуд эканлигида аҳамиятлидир. Бундай тизим дунёнинг ривожланган мамлакатларида тарқалган. Мисол тариқасида АҚШ ва Буюк Британияни мумкин. Чунки, бу мамлакатларда давлат тақсимланиши

очик бозорда амалга оширилади. Марказий банк капиталида давлат улушини ва қонунчиликда Марказий банкнинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгиланганлиги юқоридаги тасдиқлар кўриниб турибдики, у Марказий банк мустақиллиги даражасини белгилашда ҳал қилувчи рол ўйнамайди ва улар иккиламчи омиллар бўлиб ҳисобланадилар. Юқорида қайд этилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ривожланган мамлакатлар марказий банклари ўзларини мустақил таъсир ўткази оладиган институт сифатида кўрсатишлари зарур. Бу бир томондан, уларга қонун асосида рухсат этилган воситалар ёрдамида иқтисодий тартибга солишни амалга ошириш ҳуқуқини беради, бошқа томондан эса,

Миллий банк ва пул тизими манфатларининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади. Шу муносабат билан Марказий банкнинг иқтисодий тартибга солиш жараёнидаги ва умуман иқтисодийдаги маъқеини, шунингдек, мамлакат ҳукумати билан ўзаро муносабатларини таҳлил қилар эканмиз, унинг пул-кредит тизими ва ҳукумат органлари ўртасида оддий воситачи эмаслигини, балки маълумот, тадқиқот, тартибга солувчи ва назорат қилувчи марказ эканлигини алоҳида таъкидлашни истардик.

XX аср 60-йилларининг иккинчи ярми ва 70-йилларнинг бошларида Европа ва Америка мамлакатларида валюта-молиявий инқирозларга жавобан инфратузилмавий бозор институтларидан бири сифатида валюта биржаларини ташкил этиш давлат томонидан тартибга солиш ва назорат тизимининг асосий элементларидан бирига айланди. Валюта биржаларида жорий экспорт-импорт операциялари, шунингдек, капиталлар ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйича хорижий валютанинг олди-сотдиси амалга оширилгани боис, инқироз ва мамлакатдаги молиявий беқарорлик шароитида валюта биржалари фаолиятининг аҳамияти ортади. Бошқача айтганда, валютавий беқарорлик шароитида биржа валюта бозорининг роли ошади, аксинча ҳолатда эса, банклараро биржадан ташқари бозорнинг кучайиши юз беради.

XX асрнинг 50-60 йилларида биржа валюта институтлари қатор Ғарбий Европа давлатлари, жумладан, Франция, Германия, Бельгия, Голландия, Люксембург ва Скандинавия мамлакатларида ташкил этилди. Шу билан бир вақтда, валюта бозори иштирокчилари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига тегишли узгартиришлар киритилди ва валюта бозори устидан давлат назорати кучайтирилди.

Шуниси эътиборга молики, Бреттон-Вудс келишувининг имзоланиши ва Халқаро валюта фондининг ташкил топиши валюта захиралари категорияларининг пайдо бўлишига, кейинчалик эса, эркин сузиш курсига эга бўлган валюталар бозорининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Шунингдек, Европа валюта иттифоқи ва европа валюта ҳамжамияти фондининг ташкил топиши жаҳон валюта тизимининг икки қутбли тизимга айланишига замин яратди.

Валюта битимлари муддати жиҳатидан валюта бозори спот (жорий) ва муддатли валюта бозорига ажратилади. Спот бозорида томонлар хорижий валютани зудлик билан етказиб бериш бўйича битим тузадилар. Бунда спот битими у тузилган кундан кейин икки банк иши куни мобайнида ҳисоб-китоблар амалга оширилишини назарда тутди. Муддатли валюта бозори ундаги битимларнинг (валюта деривативлари) муайян баҳо ва микдор, шунингдек, белгиланган муддатга эга бўлиши билан тавсифланади.

Валюта курсининг сузиш режимига ўтилиши билан етакчи валюталар алмашув курслари беқарор тус олди. Бу ҳолат келажакдаги муайян муддатда бажариладиган битимлар микдорининг сезиларли даражада ортиши, шунингдек, валюта ва молиявий активлар муддатли савдосига ихтисослашган биржаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Масалан, Лондон халқаро молиявий фьючерелар биржаси (London International Financial Futures Exchange), Амстердамдаги Европа опцион биржаси (European Options Exchange), Франкфуртдаги Немис муддатли биржаси (Deutsche Tenninboerse),

Сидней фьючерс биржаси (Sydney Futures Exchange), Австрия муддатли опцион биржаси (Oesterreichische Termin Option-sboerse) шулар жумласидандир.

Валюта бозори иштирокчиларининг курс баркарорлигини таъминлаш ва валюта рискинни хеджирлашга бўлган талабининг ортганлигини ҳисобга олиб, биржалар анъанавий хорижий валюталар савдосини ташкиллаштириш билан бир каторда, валюта деривативлари савдоларини ташкиллаштиришбўйича хизматлар кўламини оширди. Таҳлиллар кўрсатишича, дунёнинг етакчи биржаларининг бешдан уч қисми (60%) (CBOT-Chicago Board of Trade, CME-Chicago Mercantile Exchange, EURONEXT) листингида базавий активи валюта ҳисобланган муддатли битимлар мавжуд.

Шундай қилиб, валюта бозоридаги таркибий ва сифат ўзгаришларига мос равишда, валютавий биржа инструментлари билан боғлиқ битимларнинг ҳажмида ўсиш кузатилган.

Бир катор мамлакатларда (Хитой, Филиппин, Коста-Рика) валюта биржалари тажрибалари шуни кўрсатдики, валюта биржалари, биринчидан, валюта бозори давлат томонидан етарлича қаттиқ назорат қилинадиган шароитда ўта зарур; иккинчидан, банклараро валюта бозори билан ҳеч қачон келишилган ҳолда фаолият юритмайди; учинчидан, миллий иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантириш ва баркарорлаштириш учун муҳим инструмент ҳисобланади. Хозирда валюта бозорининг янги сегмента -электрон биржаларнинг фаол шаклланиш жараёни юз бермоқда. Бу эса, глобаллашув биржаларга ҳам хос эканлигидан далолат беради. Бу ўринда, биржа савдоларининг автоматлашуви, яъни "овоз бериш" тизимидан электрон биржа савдолари тизимига ўтилишини инфратузилмавий ўзгаришлар тенденциясини белгилаб берувчи омил сифатида эътироф этиш мумкин. Ривожланган мамлакатларда энг машҳур ва йирик электрон биржа валюта бозорлари қаторига Сштепех (Карринэкс), Atriax (Атриакс) ва FX Alliance - Fxall (Форексолл) кабиларни киритиш мумкин.

Биржадан ташқари валюта бозори тузилмаси электрон тармоқлар орқали кўп сонли бозорларга кириб бориш имконияти билан устунликка эга. Бу эса, биржадан ташқари валюта бозорига қарши рақобатга киришиш учун биржалар ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига туртки бўлмокда. Масалан, Осиё-Тинч океани ҳудудидаги кооперация доирасида Токио фонд биржаси Австралия, Сингапур, Тайван, Малайзия, Гонконг, Корея, Таиланд ва Филиппин биржалари билан ўзаро ҳамкорлик меморандумини тузишга муваффақ бўлган. Ҳосила қимматли қоғозлари савдоси бўйича биржалар ўзларининг GLOBEX федерациясини тузган бўлиб, унинг таркибига Чикаго товар биржаси (CME), Сингапур биржаси ва француз биржаси (MATIF) киради. Шунингдек, молиявий бозорлар интеграциялашувининг замонавий босқичида, айниқса, Европада биржаларнинг қўшилиш ва бирлашув жараёнларининг кучайганлигини ҳам қайд этиш ўринлидир. Бунинг ёрқин мисоли, Euronext биржаси ҳисобланади. У ўзида Франция, Нидерландия, Белгия ва Португалия бозорларини бирлаштиради.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикасида валюта тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, валюта бозоридаги ҳолатни янада либераллаштириш, чэт эл инвесторлари учун қулай ва очик шароитни барпо этиш, валюта ҳуқуқий муносабатлар субъектлари дуч келаётган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Тараққиёт Банки ва бошқа кўпгина халқаро молиявий муассасалар билан ҳамкорлик алоқалари амалиётга жорий этилмоқда. Ушбу халқаро ташкилот ва муассасалар ёрдамида Ўзбекистон Республикасида мукамал валюта қонунчилик базаси ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда валюта тизимини эркинлаштириш чора-тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш жараёнлари олиб борилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда валюта муносабатлари тизими ва унинг амал қилиш механизмлари сезиларли даражада эркинлаштирилди ҳамда эркинлаштирилмоқда. Миллий ва халқаро валюта операциялар бўйича эркин конвертациянинг таъминлаш, биржа ва биржадан ташқари валюта бозорининг такомиллаштириш, нақд хорижий валюта билан савдо қилиш тартибларининг соддалаштириш, валюта курсларининг унификациялаш, валюта тушумлари мажбурий сотувининг такомиллаштириш, валютавий чекловларнинг бекор қилиш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида валюта тўғрисидаги қонунчиликни тартибга солиш масалаларининг хусусиятларини таҳлил этиш натижасида битирув малакавий иши бўйича қуйидагидек **таклиф** ва **тавсиялар**ни ишлаб чиқдим:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунига асосан Ўзбекистон Республикасида валютани ҳамда резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилувчи органлар Марказий

банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасидир.

Уларнинг валютани назорат қилиш соҳасидаги ваколатлари ва тартиби ушбу органлар томонидан қабул қилинган турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган, шу сабабли бу соҳада қонунчиликни тизимлаштириш ва ягона ҳуқуқий асосни яратиш зарур. Шу мақсадда, “Валюта назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ва юқорида саналган давлат органларининг валюта назорати соҳасидаги ваколатлари(компетенцияси) ва валюта назорати тартиби аниқ белгиланиши таклиф этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/6-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида”гинизомжисмоний шахслар-резидентларга 5000 АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан ошган нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатнома бериш тартибини белгилайди. Ушбу низомнинг жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани рухсат бериш соҳасидаги айрим қоидалари соддалаштирилиши ва ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Ушбу Низомнинг 1-бандига асосан жисмоний шахслар-резидентлар томонидан 5000 АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан ошган нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун Марказий банкининг рухсатномаси олишда зарур ҳужжатларни бевосита Марказий банкка тақдим этадилар. Ушбу ҳолатда жисмоний шахслар томонидан Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаларига тегишли ҳужжатларни тақдим этишлиги таклиф этилади. Ушбу Низомнинг 10-бандига асосан жисмоний шахслар-резидентларга берилган рухсатнома берилган санадан бошлаб уч ой давомида ҳақиқий ҳисобланади. Ушбу ҳолатда жисмоний

шахслар томонидан рухсатнома олиш тартибининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда рухсатномаларнинг ҳақиқий ҳисобланиш муддати олти(6)гача узайтирилиши таклиф этилади.

3.Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2003 йил 30 март кунги 216-сон буйруғи билан тасдиқланган “Валюта назоратини амалга оширувчи органлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақида”ги Низомга асосан валюта назоратини амалга оширувчи органлар, ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан қонунда белгиланган ваколатлари доирасида ўтказилган текширувлар натижасида аниқланган валютага оид қонун бузилишлар тўғрисидаги маълумотларни Департамент органларига уч кун муддатда, қўшимча текширилиши лозим бўлган маълумотлар эса ўн кун муддатда тақдим этадилар.

Ушбу белгиланган муддатлар ўтишини кутиш, ўз навбатида валютага оид қонун бузилишларининг оқибатлари, сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тўлиқ бартараф қилишда айрим камчиликларга олиб келиши, қонун бузилиш излари, уларнинг манбалари йўқотилиши мумкин. Шу сабабли, валюта назоратини амалга оширувчи органлар, ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан аниқланган валютага оид қонун бузилишлар юзасидан Департамент органларига дарҳол маълумот тақдим этиш тартиби белгиланиши ва ушбу Низомга ўзгартириш киритилиши таклиф этилади.

4.Ўзбекистон Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти “Солиқ ва валютага оид жиноятлар ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича суриштирув Бўлими”нинг таркибида валютага оид жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан

суриштирув олиб боровчи бўлинма ва ихтисослашган суриштирувчилар ташкил етилиши таклиф этилади.

Чунки, бу ўз навбатида Бўлимнинг валютага оид жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув олиб бориш, валюта соҳасидаги қонунларни такомиллаштириш, қонунларни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширади деб ўйлайман.

5. Мамлакатимизда валюта-капитал бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги тақчиллиги Марказий банкнинг очик бозордаги валюта операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ҳукуматнинг қисқа ва ўрта муддатли қимматли қоғозлари ҳамда Марказий банкнинг облигациялари эмиссия ҳажмини ошириш лозим ва уларга тўланадиган фоиз ставкаларини қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан (12 фоиздан) кам бўлмаган даражада бўлишлиги таклиф этилади. Бугунги кунда уларга 6 фоиз, яъни қайта молиялаштириш ставкасидан 2(икки) марта кам тўланмоқда, бу эса тижорат банкларини молиявий манфаатларига зиддир.

6. Мамлакатимизда нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўртасидаги фарқ ҳамон сақланиб қолмоқда. Бунда асосан, тадбиркорлар томонидан ноқонуний йўллар орқали импорт товарларининг олиб кирилиши, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг талаб даражасида эмаслиги, чакана савдо айланмасида норасмий савдо улушининг кўплиги ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг МДҲ давлатларига нисбатан юқорилиги сабаб бўлиб, у валюта тўғрисида қонунчиликнинг бузилишига солиқлардан қочишга, яширин иқтисодиётнинг ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк ушбу ҳисоб-китобларни босқичма-босқич унификация қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Жумладан, мижозларнинг биринчи талаби бўйича банклардан нақд пуллар олишини таъминлаш, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкасини Россия давлатидаги сингари ягона 13 фоиз ставкасига тушириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Н.: Ўзбекистон, 1995. - 246б.

2. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 2008. - 368 б.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.

4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

5. Каримов И.А. ”Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.19. - Т.: “Ўзбекистон” 2009 й.

6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 56 б.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.- 364 б.

8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. - 320 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2015 й., 16-сон, 176-модда;

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: (2015 йил 1 октябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2015 й. - 480 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси: (2015 йил 1 октябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2015 й. - 520 б.

4. “Валютани тартибга солиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда;

5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Ўзбекистон республикасининг Марказий банки тўғрисида”(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда; 1998 й., 9-сон, 181-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2006 й., 37-38-сон, 373-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2009 й., 15-сон, 176-модда, 37-сон, 403-модда, 39-сон, 423-модда, 52-сон, 553-модда; 2012 й., 15-сон, 163-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда);

6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 126-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 686-модда. 1996 йил 29 август, 263-I-сон;

7. “Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида” Низом // Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/2-сонли қарори билан тасдиқланган;

8. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги” Низом // Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/6-сонли қарорига илова // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами – 2678;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 6-сон, 66-модда.

10. “Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисида” Низом // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 16 мартда 1326-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 1 мартдаги 249-В, 01-02/19-16-сон қарори билан тасдиқланган

11. “Валюта назоратини амалга оширувчи органлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2003 йил 30 март кунги 216-сон буйруғи билан тасдиқланган

12. “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида” Низом // Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7, 01-02/19-22, 7/4сон қарорига Илова

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида” қарори. 2000 йил 28 апрель, 8-сон;

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 11-сон, 87-модда. 2003 йил 11 июнь, 260-сон;

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори “Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 13-сон, 90-модда; 2001 й., 20-сон, 142-модда; 2002 й., 1-сон, 7-модда; 19-сон, 150-модда; 2003 й., 1-2-сон, 6-модда; 4-сон, 42-модда; 14-сон, 115-модда; 15-16-сон, 129-модда; 19-сон, 178-модда; 19-сон, 181-модда; 2004 й., 16-сон, 187-модда; 2005 й., 8-9-сон, 69-модда; 2006 й., 30-сон, 294-модда; 2014 й., 30-сон, 371-модда. 2001 йил 10 июль, 294-сон;

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори “Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 20-сон, 142-модда; 2003 й., 14-сон, 115-модда; 2006 й., 30-сон, 292-модда. 2001 йил 25 октябрь, 422-сон;

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 7-8-сон, 155-модда; 2003 й., 6-7-сон, 93-модда; 2003 й., 9-10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 171-модда; 2003 й., 1-2-сон, 3-модда. 1995 йил 27 июнь, ПФ-1193-сон;

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар”.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №250-сонли қарори;

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Очиқ валюта позициясини юритиш қоидаларининг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 28 майдаги 610-сонли Қарори;

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2001 йил 22 июндаги 263-сонли қарори.

22. “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”низоом // Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 28 июндаги 15/1-сонли қарори билан тасдиқланган;

Махсус адабиётлар:

1. О.Ю.Рашидов, Р.Р.Тожиев, У.Ш.Дўсқобилов. "Марказий банкнинг монетар сиёсати". Тошкент, ТДИУ нашриёти, 2010 йил, 284 б.

2. Тожиев Р.Р. Насриддинов Ф.Н. “Монетар сиёсат” Тошкент, ТДИУ нашриёти, 2007 йил, 179-б.

3. Финансово-кредитный словарь. – М., 1984. Т.1. – С.177.; Коммерческий словарь. – М., 1991. – С. 51.

4. Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи(умумий қисм). Олий Ўқув юртлари учун дарслик.Т. : “ИЛМ ЗИЁ” 2005-480 бет

5. В.С.Сафонов. “Валютный дилинг”, изд. АО “Консалтбанкир”, М.: 2004 г. б-31

6. R.R.Tojiev, U.Sh.Do'sqobilov “Valyuta dilingi nazariyasi va amaliyoti”. O'quv qo'llanma, T.: TDIU nashriyoti-2010 y., 345 b.

7. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. - Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. - 184 б.

8. Душаев Б.М. Монетарная политика: - Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2005. - 120 с.

9. Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Международные финансовые отношения. Валютный курс и пути их регулирования. -Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2006. - 132 с.

10. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: 2-е изд., перераб. и допол. -М.: Финансы и статистика, 2002. - 608 с.
11. Крашенинников В.М. Валютное регулирование в системе государственного управления экономикой: - М.: Экономика, 2003. - 399 с.
12. Бобакулов Т.И. Актуальные вопросы взаимосвязи платежного баланса и валютного курса // Актуальные проблемы современной науки. - Москва, 2003. - №4 (13). - С. 62.
13. Моисеев СР. Международные валютно-кредитные отношения. - М.: Дело и сервис, 2003. - 576 с.
14. Бобакулов Т.И. Актуальные вопросы совершенствования механизма использования инструментов монетарной политики // Экономика и финансы. - Москва, 2007. - №8. - С. 31.
15. Л.Н.Красавина. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. - М.: Финансы и статистика, 2003. -608 с.
16. Ю. Д. Пискулов Теория и практика валютного дилинга. - М.: ИНФРА-М, 1995. -123 с.

Электрон ресурслар:

1. [WWW.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
2. [WWW.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. [WWW.gov.uz](http://www.gov.uz)
4. <http://www.cbu.uz/>
5. <http://www.worldbank.org/>
6. <http://www.standartandpoors.ru/>
7. <http://www.ifc.org/>
8. <http://www.federalreserve.gov/>